Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 199 (7. 288) 1990 йил 31 август, жума Баҳоси 3 тийин.

Бугунги сонда:

**ЭНДИ ЎРНИНГИЗДАН ТУРИНГ, ОҚОЙДИН!**
«Чорвадор» ширкатининг раиси О. Ҳожимуҳамедов ўзи раҳбар бўлган кичик жамоанинг маҳаллий бюрократлар, турғунлик даврининг ҳозир ҳам мавжуд баъзи консерваторлари зарбасига учрагандан кейин ҳақиқат ва кўмак излаб жуда кўп идораларга бош урди. Лекин у бирорта раҳбардан амалий ёрдам ололмади. Оқибатда у очлик эълон қилишга мажбур бўлди...
● 2 ва 3-саҳифаларда.

**ЖУМҲУРИЯТДА ЯГОНА**
«Оқшом»нинг 1990 йил 6 июль сонида ёритилган ахборотда лицей йўналишидаги мактаб очилгани хабар қилинган эди. Бу янгилик кўпгина ота-оналар баҳсига сабаб бўлди. Илтимос, шу илм даргоҳи тўғрисида кенгроқ маълумот берсангиз...
● 3-саҳифада.

**СУҲБАТДОШИНГИЗНИ РАНЖИТМАНГ**
Ҳозирги ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зарур ҳолларда телефон орқали ер куррасининг нариги четидаги қариндошингиз билан ҳам мулоқот қилишингиз мумкин. Ушбу беминнат дастёр аллақачонлар турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган...
● 4-саҳифада.

Муҳаррир устуни



## Обуна–91

## «Оқшом» дўстларига ишонамиз

⊙ ЭРТАГА 1991 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна бошланади. Муштарийларимизга буни мураккаб бир ҳиссиёт билан маълум қилишга мажбур бўлмоқдамиз. Чунки, келгуси йил 1 январдан эътиборан «Тошкент оқшоми»нинг ҳар бир сони 8 тийин бўлади. Рўзномамизга йиллик обуна эса 17 сўм 40 тийинни ташкил этади.

Рўзномамиз нархининг оширилишига таҳририятнинг ҳам, ноширларимиз — Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Советининг ҳам мутлақо даҳли йўқлигини айтиш керак. СССР Олий Советида бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ муаммолар эндигина муҳокама қилиниши режаланган. Аммо қоғозга, матбаа воситаларига, рўзнома ва ойномаларни тарқатишга ҳозиргача якка ҳокимлик қилиб келаётган вазирликлар ва идоралар ҳокимият олий органи қандай қарорга келишини кутиб ўтирмасдан, ўз ҳукмларини ошкор қилдилар. Матбаа нашрлари чоп этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ўртача икки ва ундан кўпроқ баробарга ошди.

Бундай вазиятда ҳам таҳририят «Оқшом» дўстлари оилавий иқтисодиёти учун муайян даражада оғир ботадиган харажатларни бироз енгиллатиши мумкин эди. Ахир биз 1989 йил якунларига кўра қарийб 2 миллион сўм соф фойда олдик. 1991 йилги фойдамизни икки баравар камайтиришга, бир миллион сўмни обунани арзонлаштиришга тайёр эдик. Минг афсуски, ўзимиз ишлаб топган пулга ҳалигача ўзимиз эгалик қила олмаймиз.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари нархини белгилашда ҳам ҳеч ким таҳририят ва ноширларимиз фикри билан қизиқиб ўтирмади. Биринчидан, «Оқшом» рўзномалари ҳафтада беш марта чиқарилиши белгилаб қўйилди. Изоҳ беришларича, алоқачилар якшанба куни дам олишлари керак экан. «Оқшом» рўзномалари якшанба эмас, шанба кунлари чиқиши инобатга олинмади. Ҳатто таҳририят олдига, рўзномаларимиз кундуз соат ўн икки яримга алоқа бўлимларига етказиб берилмаса, улар обуначиларга эртаси кун етказиб берилади, деган қатъий талабни қўйишга ҳам ҳаракатлар бўлди. Уларни кечқурунги нашрларни шу вақтгача чоп этиб бўлиш муштарийларимизни лақиллатишдан бошқа нарса эмаслиги қизиқтирмади. Ахир, бизнинг матбаа воситаларимиз билан рўзномани шу муддатга чоп этиш уни бир кун илгари тайёрлаш, деган гапдан бошқа нарса эмас.

Иккинчидан, худди бизникидек ҳажмда чоп этиладиган вилоят ҳамда ёшлар рўзномаларининг нархи 6 тийин қилиб белгиланган. Юқори ташкилотлар буни «Оқшом»нинг оммабоплиги билан изоҳлаб, муштарийлар рўзномамиз нусхаси 8 тийин бўлса ҳам унинг обуначилари камаймайди, деган фикрни билдирдилар.

Таҳририят бунга жуда ишонгиси келади. Лекин биз ҳамма нарсанинг нархи кўтарилиши кутилаётган бир пайтда муштарийлар қайси нашрга обуна бўлишни етти марта ўйлаб кўришларини тушунамиз. Биз аввалгидек сиз севиб қолган саҳифалар, рукунларни янада бойитиб, билдирган ишончларингизни оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз. Хусусан, «Одобнома», «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», «Назокат», «Адабиёт ва санъат», «Жисмоний тарбия ва спорт» саҳифалари, «Маҳалладош» иловаси мунтазам бериб борилади. Яқин кунларда келгуси йилда рўзнома юзини кўрадиган янги рукунлар билан таниша бошлайсиз. Муштарийларимизга «зангори экран» ҳафталик кўрсатувларини одатдагидек тўлиқ ҳажмда эълон қилиб боришга ваъда берамиз. Эҳтимол сизларнинг «Оқшом»ни янада ўқимишли, оммабоп қилиш хусусида таклифларингиз, мулоҳазаларингиз бордир. Таҳририят бу ҳақдаги мактубларингизга интиқ.

Ҳозир обуна тўла ихтиёрий. Лекин биз шаҳар партия комитетлари ва ташкилотлари, Советлар ўз рўзномаларининг тақдири учун бефарқ бўлмасликларига қатъиян ишонамиз. «Оқшом»га обунанинг бир қисмини меҳнат жамоалари, ширкатлар кўтариши мумкин. Ана шулардан бирининг қарори билан бугун рўзномамизда танишишингиз мумкин.

Таҳририят «Оқшом»га обунани ташкил қилишда фидойилик кўрсатадиган фаолларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш тадбирларини белгилади. Бу ҳақда алоҳида маълум қиламиз.

Шундай қилиб, обуна бошланди. У 31 октябргача давом этади. Бироқ биз обунани сўнгги кунгача чўзмасликни тавсия қиламиз. Алоқа бўлимлари ходимлари илгарилари учраб тургандек, обунани расмийлаштиришга бланк йўқ, деб баҳона қилмасликлари учун рўзномамизнинг 3 ва 4-саҳифаларида унинг нусхасини беряпмиз. Уни қирқиб олиб, обунани расмийлаштириш мумкин.

**«Оқшом»нинг қадрли дўстлари! Биз сизлар ўз рўзномангизни қўллаб-қувватлашингизга, келгуси йил учун унга обуна бўлишингизга катта умид қиламиз.**

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар • Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

## Бюро мажлиси

Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Ҳамза район партия комитетининг 1990 йилнинг биринчи ярмида КПСС аъзолигидан чиқиш сабаблари ва партия сафларини тўлдириш юзасидан олиб бораётган иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС сафидан чиққан 137 кишининг аксарият қисми катта ёшдаги, анча-мунча партия стажи бўлган кишилар эканлиги муносабати билан ташвиш изҳор қилинади. Партиядан чиққанларнинг учдан бир қисми ўз қарорини жумҳуриятдаги ва умуман мамлакатдаги ишларнинг аҳволидан қаноат ҳосил қилмаганлиги билан изоҳлайди. 53 киши ўзининг КПСС сафида бўлишини мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди ва партия бадалларини тўлашни истамайди. Назорат-тафтиш комиссиясининг қарорида партиядан чиқиш билан боғлиқ мураккаб ва зиддиятли жараёнлар бевосита партия ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқ, деб таъкидланади. Партия ташкилотлари ҳали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ўз ўринларини аниқлаб олишган эмас, иш усуллари ва шаклларини сусткашлик билан ўзгартиришяпти, уларга КПСС XXVIII съезди томонидан берилган мустақилликдан ғоят даражада бўш фойдаланишяпти.

Ҳамза район партия комитетига партиядан чиқишдек ҳар бир воқеанинг таҳлилига, партия кексаларига алоҳида эътибор бериб, айни вақтда КПСС янги Уставининг қоидаларидан фойдаланган ҳолда синчиклаб ёндошиш, куч-ғайратни партия сафларига келиб қўшилаётган янги кучларнинг сифат жиҳатидан шаклланишига сафарбар этиш тавсия қилинди.

Бюро мажлисида Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг II пленумини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, коммунистларнинг раддиялари ва партиявий жазони олиб ташлаш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди.



⊙ **МЕҲНАТ ҚИЛГАН — ЭЛДА АЗИЗ.** Ўзбекистон озиқ-овқат саноати республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тажриба-механика заводининг кекса ишчиси, «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори Карим Собиров.

Т. Каримов сурати.

## Шаҳар кексалар кенгашининг пленуми

● **КЕЧА Тошкент шаҳар уруш, меҳнат ва СССР Қуролли кучлари кексалари кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.** Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков «КПСС XXVIII съезди иш якунлари ва съезд қарорларини бажариш юзасидан шаҳар кексалар ташкилотининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маърузани муҳокама этишда Совет раҳм-шафқат ва саломатлик жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Е. В. Баранова, партия, уруш, меҳнат ва СССР Қуролли кучларининг кексалари С. Д. Коротков, Д. Сайдалиев, А. Талатинов, А. И. Линник ва Г. И. Скоробагатовлар қатнашдилар.

А. И. Фозилбеков ҳайъатга тушган саволларга жавоб қайтарди.

Пленум кун тартибига қўйилган ва муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

## Болалар жамғармаси

● **«ПАРВАРДИГОР аёлларни яратганда...» мавзуидаги «Киев — 90» халқаро бадиий расмлар кўргазмаси жумҳурият меъморлар уюшмаси биносида иш бошлади.**

Бу кўргазманинг ташкилотчилари Киев маданият маркази касаба уюшмаси Севастополдаги филиали билан ҳамкорликда ташкил этган бўлиб, бир қатор янги Г. Бенде (Рига шаҳридан) ва Д. Зубрицкий (Одесса шаҳридан) муаллифларнинг сўнгги йилларда яратган асарлари ўрин олган.

БУГУН шу жамоа аъзолари болалар жамғармасига 2 минг 500 сўм пул ўтказишди.

## Маданий алоқалар

● **ЧЕТ ЭЛЛАР билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Танланд мамлакати билан ҳам яқин алоқаларни йўлга қўйган.** Жамият вакиллари яқинда бу давлатда бўлиб, маданий ҳамкорлик бўйича янги шартнома туздилар.

Ана шу келишувга биноан яқин орада ўзбекистонлик санъаткорлардан бир гуруҳи Танландда ижодий сафарда бўлади. А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта опера ва балет театрининг спектакллари ҳам намойиш қилинади. Санъат кошонасининг балет труппаси тайёрлаган постановкалар гастроль дастурида асосий ўринни эгаллайди.

Тошкент давлат консерваториясига таиландлик ёшларни ўқишга қабул қилиш ҳам кўзда тутилди.

## Сиёсатчилар учун майсазор

**«Ҳурматли редакция! Ўзбекистон ССР Президенти командаси қандай тузилишини билишни истар эдик, Президентлик кенгаши қаерда иш олиб боради? К. ХОТАМОВ. Наманган».**

**«Анҳор» соҳилида қандайдир тўсиқ ўрнатиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети асосий биносига кирадиган йўлни тўсишаётганини кўриб ажабландим. Бу ҳақдаги мишмишлар бири иккинчисига сира ўхшамайди. Г. ЕВСЕЕВ. Тошкент».**

Бу хусусда редакцияга келаётган хатлар ҳам, телефон орқали мурожаатлар ҳам кам эмас. Саволлар ҳар хил бўлса ҳам, уларга бир хил жавоб бўлиши мумкин.

Аввало, умуман президентлик тўғрисида. Бу сўзнинг лотинча асл маъноси «олдинда ўтирувчи, бошчилик қилувчи» мазмунидадир. Давлат президенти ҳақида гап бораётган бўлса, демак у давлат бошлиғидир. Кўпгина маърифатли давлатларда президент ҳокимияти жорий этилган парламентаризмга ўтилган. Қайта қуриш ва халқ фикри туфайли СССР ҳам ана шундай мамлакатлар қаторига ўтди.

Мамлакатимизда демократиялашни янада ривожлантириш, совет жумҳуриятлари билан марказ ўртасидаги янгидан вужудга келаётган ўзаро муносабатлар иттифоқдош жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга имкон беради. Ўзбекистон ССР биринчилар қаторида ана шундай Мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилди, жамоатчилик президентлик идорасини маъқуллади.

Бу воқеа яқинда юз берди. Жумҳуриятда Президентлик кенгаши эндигина тузилмоқда. Ўзбекистон ССР Президентининг ўзи бор кучи билан ишлаяпти, унинг маҳкамаси барпо этилмоқда, бу маҳкама Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ асосий биносида жойлаштирилмоқда. Бу бино давлат маблағи ҳисобидан партиядан сотиб олинди.

Нима учун сотиб олингани ҳаммага аён бўлиши лозим. Барча мамлакатларда президент биноси давлат обрўсининг рамзидир. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатлар президентлари жойлашган биноларнинг бирортаси ҳам оддий бинолардан эмас.

Бизнинг жумҳуриятимиз ҳам ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини эълон қилибгина қолмади, ҳозирнинг ўзидаёқ бошқа совет жумҳуриятлари ва кўпгина чет мамлакатлар билан бевосита алоқа қила бошлади. Ўзбекистон билан алоқа ўрнатишдан манфаатдор бўлган кўпгина одамлар — ҳукумат бошлиқлари, парламент аъзолари, сиёсатчилар, корчалонлар чет эллардан Тошкентга келишмоқда, совет жумҳуриятлари, мухториятлари ва вилоятларининг давлат делегациялари ва иш билан боғлиқ делегациялари ҳам келиб турибди.

Хуллас, мустақил жумҳуриятнинг барпо этилиши жараёни фаол ўтмоқда. Бу сиёсат сезиларли натижалар беради. Бинобарин, уни халқаро ҳуқуқлар ва дипломатия қоидаларига мос келадиган шароитда ўтказиш керак. Ички ишларимизда жумҳурият Президенти ва унинг кенгаши фаолияти билан боғлиқ ўзгаришларни ҳозирданоқ ҳис этдик. Президентнинг ер участкалари ажратиб бериш, мактаб ўқувчиларини текинга овқатлантириш, болалар ва оналарга тиббий хизмат кўрсатиш, уруш ветеранларига моддий ёрдам бериш, шахсий хўжаликлардаги чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги ва бошқа жуда кўп ҳаётий муҳим масалалар юзасидан чиқарган Фармонлари кенг маъқулланди.

Шубҳасиз, Президентлик кенгаши тузилгач, жумҳуриятимизнинг ички ва халқаро фаолиятида катта ўзгаришлар бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Шу вақтгача чет мамлакатларда президент саройлари, қароргоҳлари ва майсазорларига — маърифатли мамлакатлардаги президент билан боғлиқ бўлган жиҳатларга «синфий туйғу» билан қарши чиқиб келдик, эндиликда эса ана шу онгимиздаги эскиликдан қутулмоғимиз керак. Очиғини айтганда, президент саройлари олдида майсазорлар ва боғлар бўлиши шарт. «Гулзорлар орасидан юрилмасин» деган шиор фақат биздагина ўйлаб топилган. Ким билади, М. Горбачев Р. Рейган билан, кейинчалик эса Ж. Буш билан президент саройи ёки Оқ уй олдидаги майсазорлар оралаб норасмий сайр қилиб юришганида қанча муаммолар бартараф этилганикин? Бундай сайрларни биз телевизор орқали кузатиб турган эдик.

Ўзбекистон ССР Президенти ишлайдиган бино олдида «тўсиқ» пайдо бўлишининг сири ана шунда — бу ерда ям-яшил зона барпо этилади. Таъбир жоиз бўлса, мустақил жумҳуриятимиз Президенти билан учрашадиган сиёсатчилар учун майсазор бўлади. Барча маърифатли давлат бошлиқлари каби бизда ҳам Президент ана шундай майсазорда сиёсатчилар билан учрашади.

Бу учрашувлар Ўзбекистон халқи фойдаси учун бўлар экан, — кўзимиз тушавериб ўрганиб қолган «Гулзор орасидан юрилмасин!» деган ёзувларни эслаш ноқулай бўлиб қолади.





## Талабаликка бағишлов

⊙ АЛИШЕР Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида Меҳнат Қизил Байроқ орденли 1-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг «Талабаликка бағишлов» тантанаси бўлиб ўтди. Тантана 1-курс талабаларига бағишланди.

Йиғилишга пойтахт тиббиёт олийгоҳи профессор-ўқитувчилари, партия ва совет ходимлари ташриф буюрдилар.

Сўзга чиққанлар талабаларни янги ўқув йили билан қутладилар ҳамда шифокорлик касбини улуғлаш, унинг анъаналарига содиқ қолиш истагини билдирдилар.

Сўнгра олийгоҳ Ленин стипендиатлари 1-курс талабаларига шифокор либоси — оқ халат ва қалпоқ кийдириб, уларни яхши ўқишга, жамоат ишларида фаол бўлишга чорладилар.

Кейин эса олийгоҳнинг 1-курс талабалари тантанали равишда қасамёд қилдилар:

«...Мен 1-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг 1-курсига қабул қилинар эканман, тиббиёт илмини ўрганишга, шифокорлик сирларини яхши ва пухта ўзлаштиришга ва олий мутахассис бўлиб етишишим учун барча куч ва қувват, билимимни аямасликка, тантанали ваъда бераман...»

Йиғилишда жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири С. М. Баҳромов, Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Ҳ. М. Абдураимов қатнашдилар.

⊙ **СУРАТЛАРДА: «Талабаликка бағишлов»дан лавҳалар.**

**А. МАМАДАМИНОВ** суратлари.

## Ширкат рўзнома пулини тўлайди

«Ошкораликни сақлаб қолайлик» — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Виктория» саноат-ширкат фирмаси жамоаси ана шундай қарорга келди. Ширкат ишчиларига обуна нашрлари қийматининг 30 фоизи ҳажмида пул тўланадиган бўлди. Вақтли нашр нарх-навосининг катта миқдорда ошиб кетганлигини ҳисобга олган ширкат бошқаруви ана шундай қарор қабул қилди. Бу ерда яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу жамоада узоқ йиллардан бери шаҳарнинг «Оқшом» рўзномаларига мунтазам равишда обуна бўлиб келаётган кўплаб ишчи ва хизматчилар бор.

Ҳанузга қадар ширкатлар тўғрисидаги баҳс-мунозаралар давом этаяпти, лекин «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ширкатлар ўзларининг ишчилари учун ижтимоий тангликни юмшатиш борасида жуда кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Масалан, яна шу «Виктория» ширкати фирмада меҳнат қилаётган барча ишчиларни болалар боғчасига ҳақ тўлашдан озод қилди. Бу хайрли тадбир ишчи оилаларининг фаровонлигини оширибгина қолмасдан, балки шу билан бир қаторда уларни ўзларининг фирмалари учун фахрланиш туйғусида ҳам тарбияламоқда. Унинг яхши мевалари эса кўзга яққол ташланиб турибди: кун тартибидан кадрлар қўнимсизлиги деган масала деярли олиб ташланди.

● **МУҲАРРИРИЯТДАН: Биз «Виктория» ширкатига кўрсатган ташаббуси учун миннатдорчилик изҳор этамиз. Катта раҳмат!**





● **БЕРЛИН. Германия Демократик деҳқонлар партиясининг фракцияси — Германия хотин-қизларининг ГДР халқ палатасидаги иттифоқи ўзини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.** Германия Демократик деҳқонлар партияси яқинда Христиан демократлар иттифоқи билан бирлашиш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг фракциянинг бундан буён амал қилишига имконият қолмади, дейилади АДН агентлиги бу ерда тарқатган хабарда. Қонунга мувофиқ ва Германия Демократик деҳқонлар партияси правлениеси ва Германия хотин-қизларининг ГДР палатасидаги иттифоқи федерал президиуми билан келишувга мувофиқ депутатларнинг мандатлари сақланиб қолади.

● **НЬЮ-ЙОРК. АҚШ қишлоқ хўжалик министрлиги давлат буғдой запасларини тўлдириш масаласини кўриб чиқмоқда, деди министрликнинг расмий вакили К. Шипп.**

АҚШ сўнгги икки йил ичида озиқ-овқат билан ёрдам бериш халқаро программасига доир ўз мажбуриятларини бажариш учун буғдой резервидан икки марта фойдаланди. Натижада август ойининг бошларига келиб, унда 147 миллион бушель (Америкада 1 бушель 35,2 литрга тенг) дондан атиги 60 миллион бушель қолди.

Давлат дон резерви асосан АҚШ бозорида буғдой нархини бир хил сақлаб туриш учун хизмат қилади. «Фермерларнинг резерв фонди» деб аталган фонд ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

● **НЬЮ-ЙОРК. Автомобиль саноати ишчилари касаба уюшмаси Детройт шаҳрида АҚШнинг йирик автомобилсозлик корпорацияси «Женерал моторз» билан янги меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида музокара бошланганлигини эълон қилди.** Олдинги шартнома муддати 14 сентябрда тугайди, иккала томон ана шу муддатгача кўриб чиқилаётган масалаларнинг барча бандлари юзасидан аҳдномага эришилади, деб умид қилмоқда.

Касаба уюшмаси «Женерал моторз» раҳбарияти меҳнаткашларнинг ишдан бўшатилишига қарши ва корпорация тиббий суғурта жамғармасига ажратадиган пулни олдинги даражада сақлаб туришга кафолат беришига эришмоқчи бўляпти. Компания бу масалаларни муҳокама қилишга ва уларни битим лойиҳасига киритишга тайёр эканлигини маълум қилди. Ўз навбатида корпорация битимга иш ҳақини ошириш тўғрисидаги низомнинг ўз вариантини киритиб, иш ҳақининг ўсишини икки фоиз билан чеклаб қўйишга уринади.

● **МЕХИКО. Сальвадордаги қуролли можарони сиёсий йўл билан бартараф этишдан манфаатдор бўлган барча демократик партиялар ва ташкилотлар ўз куч-ғайратларини бирлаштиришн керак, деди Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти сиёсий-дипломатия комиссиясининг аъзоси Дагоберто Гутьеррес бу ерда чиқадиган «Эксельсиор» газетаси мухбири билан суҳбатда.** Мамлакат жамоатчилиги, савдо-саноат доиралари, ниҳоят армиянинг ўзидаги тараққийпарвар қисмнинг позициясида тинчлик фойдасига туб ўзгариш бўлишига эришиш зарур.

Қуролли кучларнинг қўмондонлиги гап қўзғолончиларнинг ҳарбий тазйиқ олдида чекиниши ҳақида эмас, балки можарони икки томонлама асосда бартараф қилиш тўғрисида бораётганлигини шу вақтгача тушуниб етишни хоҳламаяпти. Агар бундай ёндашув кейинчалик ҳам сақланиб қоладиган бўлса, ҳукумат партизанлар билан музокараларнинг яқинда бўладиган даврасида яна Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти учун мақбул бўлмайдиган ўша шартларни такрорлайди. Шунинг учун ҳам, деб таъкидлади Д. Гутьеррес, ҳукуматнинг партизанлар ҳаракатига муносабатига доир позициясини энг аввало Сальвадор ҳарбийлари белгилаб беришга чек қўйиш зарур.

● **ПЕКИН. Шу йилнинг биринчи ярмида Хитойда 24 миллиард юандан ортиқ пул муомаладан чиқарилди, деб хабар қилди «Жэньминь жибао» газетаси.**

Хитой халқ банки маълумотларига қараганда, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жамғарма кассаларига қўйган пулларининг анча кўпайганлиги, товарлар бозор нархларида сотилиши сабабли даромадларнинг анча ошганлиги бунга асосий сабаб бўлди. Бунинг натижасида банклар нақд пул билан тўловларни назорат остига олдилар. Муомаладаги пул миқдори йил бошидагига нисбатан 10,6 фоиз камайди ва ҳозир 209 миллиард юандан сал кўпроқ пул муомалада бор.

(ТАСС).

